# Узун туманидаги “Оқтумшуқ” аҳоли пункти номини “Нурафшон” аҳоли пункти номига ўзгартирилди.

Узун туманидаги “Оқтумшуқ” аҳоли пункти номини “Нурафшон” аҳоли пункти номига ўзгартирилди.

Туман статистика бўлими (Ш.Холназаров), туман қурилиш бўлими (Б.Абдуллаев) туман ҳокимлиги билан биргаликда номлари ўзгартирилган кўчаларни, шунингдек янгидан номланган кўчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва электрон базани шакллантириш, иш юритиш ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ барча тадбирларни амалга ошириш назоратга олинди.

Туман ички ишлар бўлими (М.Ишкараев) номлари ўзгарган кўчаларда яшовчи аҳолининг фуқаролик паспортларига, мазкур ҳудуд акс эттирилган йўл белгиларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ишларини ташкилий равишда амалга ошириш ишлар бошлаб юборилди.

Туман қурилиш бўлими (Б.Абдуллаев) ҳудудларда янги номланган ва номлари ўзгартирилган аҳоли пунктларининг таркибий қисмларини янги номлари ёзилган кўрсаткич ва белгилар, пешлавҳаларни замонавий дизайн асосида босқичма–босқич ўрнатилишини таъминлаш назарда тутилган.